XALQ DEPUTATLARI QO'QON SHAHAR KENGASHI

Q A R O R I

2021 - yil 2 - avgust VI-34-8-11-166-K/21 Qo'qon shahar hokimligi

Қўқон шаҳри ҳудудидаги кўчалар номларини

ўзгартириш тўғрисида

Қўқон шаҳар аҳолисидан шаҳар ҳокимлиги, ўзини ўзи бошқариш органларига кўчаларни номлаш ва қайта номлаш хусусида тушган таклифлар Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясида Ўзбекистон Республикаси "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сон қарори асосида кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 295-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссияси хулосаларини инобатга олиб, халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг 2021 йил 10 июндаги Қўқон шаҳридаги айрим кўчаларни қайта номлаш тўғрисидаги 1-сонли йиғилиш карори маъқуллансин.

Regulation.uz сайти орқали Қарор лойиҳаси муҳокамасида билдирилган таклифлар ҳамда мутахассислар томонидан берилган хулосалар эътиборга олинсин.

2. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг 2021 йил 10 июндаги 1-сон йиғилиш қарорига асосан номлари ўзгараётган кўчалар иловага асосан тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳокими ўринбосари Й.Тўйчиев ва ушбу кўчалар жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда **бир хафта муддатда** маҳалла фуқаролар йиғинларига хужжатларга тегишли ўзгартиришларни киритиш ва **10 (ўн) кун муддатда** шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, шаҳар статистика бўлими ва бошқа алоқадар ташкилотларга маълумотларни тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар ҳудудий комиссияси (О.Мамажонов)га **бир ой муддатда** кўчаларни қайта номланиши муносабати билан географик ном кўрсаткичларининг алмаштирилиши, ҳудудлардаги фуқаролар паспортларига, муассаса, корхона ва ташкилотлар иш қоғозларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бошқа ишларнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар статистика бўлими (Д.Мамасадиков) **2 ҳафта муддатда** қайта номланган маҳалла ва кўчаларнинг статистик кўрсаткичларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган ҳисобланади.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ю.Тўйчиев ва Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси (Ў.Тожиева) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **М.Усмонов**

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар
кенгашининг
2021 йил 2 августдаги
VI-34-8-11-166-К/21-сон қарорига
1-илова

Қўқон шаҳрида номлари ўзгарилаётган кўчалар

РЎЙХАТИ

№	География объектнинг тури	География объектнинг жойлашган ўрни	География объектнинг амалдаги номи	География объектга шаҳар комиссияси томонидан берилган таклифлар ва мутахассисларнинг хулосаси
1.	кўча	Ғиштли масжид МФЙ	Уста бозор	Мовароуннаҳр
2.	кўча	Ғиштли масжид МФЙ	Истамбул	Турон
3.	кўча	Парпашабоф МФЙ	Озодлик хиёбони	Истиклол хиёбони
4.	кўча	Темирйўлчи МФЙ	Халк сузи рузномаси	Бўрчилик
5.	кўча	Булоқбоши МФЙ	Украина	Қашқар
6.	кўча	Аччиққўл МФЙ	Герцина	Обод мавзеси
7.	кўча	Исломобод МФЙ	Чехов	Боғистон
8.	кўча	Бунёдкор МФЙ	Кунсулув	Бахром кўрки